



CHARACTERISTICS OF THE ART OF DEPARTMENT: DIVISION OF ONE-PERSON THEATER

Hakimov O'ktam¹

¹ Folklorist, researcher, Uzbek State Institute of Arts and Culture, Tashkent, Uzbekistan.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4996320>

ARTICLE INFO

Received: 05th June 2021

Accepted: 10th June 2021

Online: 15th June 2021

KEY WORDS

Bakhchisalyk, art, drum, epic schools, terma, kubis, Alpomish epic, variant, baksy, zhirov, Sherabad epic school.

ABSTRACT

This article tells about the ancient past and way of life of the Uzbek people, the uniqueness of the art of bahshilik, which speaks of a rich culture, and its stages of development, schools of folklore, folk bahshis, which today in Uzbekistan focuses on this art.

БАХШИЛИК САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ: БАХШИ БИР КИШИЛИК ТЕАТР

Ҳакимов Ўқтам¹

¹ Фольклоршунос, тадқиқотчи, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент, Ўзбекистон.

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-iyun 2021

Ma'qullandi: 10-iyun 2021

Chop etildi: 15-iyun 2021

KALIT SO'ZLAR

бахшичилик, санъат, дўмбира, дostonчилик мактаблари, терма, қўбиз, "Алпомиш" дostonи, вариант, бақсы, жирова, Шеробод дostonчилик мактаби.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада ўзбек халқининг қадим ўтмиши ва ҳаёт тарзи ҳақида сўзловчи, бой маданиятидан сўзловчи бахшилик санъатининг ўзига хослиги ва унинг ривожланиш босқичлари, дostonчилик мактаблари, халқ бахшилари, бугунги кунда Ўзбекистонда мазкур санъатга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз боради.

Бахшилик – энг қадим санъатлардан бири. Инсониятнинг санъат сари қўйган илк қадамларидан. Ҳали ёзувлар пайдо бўлмасдан неча-неча минг йиллар илгари истеъдодлар ичидаги дардларини мана шу илҳом

қанотида аввал хиргойи тарзида, кейин хиргойини дўмбирага жўр этиб изҳор қилишни кашф этишган. Бахшилар келган давраларга одамлар сифмай кетган. Шу сабабдан бўлса керак,



Қашқа-Сурхон воҳасида бахшиларни Юзбоши деб ҳам аташган.

Олимларимиз томонидан бахши шоирлар ва уларнинг ижоди 18-асрнинг ўрталари ва 19-асрнинг бошидан ўрганила бошланган. Улар ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, Шеробод, Қамай, Чироқчи, Шаҳрисабз, Булунғур, Қўрғон, Хоразм ва Қорақалпоқ дostonчилик мактаблари мавжуд бўлган.

Айни пайтда учта дostonчилик мактаблари яшаб келмоқда. Булар Шеробод, Хоразм ва Қорақалпоқ дostonчилик мактабларидир.

Ҳозирда, асосан, Сурхондарё, Қашқадарёда сақланиб қолган Шеробод дostonчилик анъаналарида бахши ўз ижросига дўмбира чолғуси билан жўр бўлади ва дostonларнинг қўшиқ қилиб айтиладиган қисмини ички овозда куйлайди. Бунинг бошқа дostonчилик мактабларидан фарқи анъанавий айтиб келинаётган дoston ва термалардан ташқари ўзлари ҳам термалар яратиб, ижро этишади. Уларда бадиҳагўйлик кучли. Кўрган ҳолатини жойида қизиқарли қилиб тасвирлаб, ижро қилишади. Дўмбира чолғусининг ўзида юздан ортиқ куйлар мавжуд. Бахшию дўмбира ясовчи усталар ҳам куй ижро қилишади.

Хоразм дostonчилик услубида эса бахшига камида учта мусиқа чолғуси – тор (илгарилари тор ўрнида дотор ишлатилган), доира ва бўломон жўр бўлади. Бунда бахшининг ўзи торни чалади, дoston қўшиқлари эса очиқ овозда куйланади.

Қорақалпоқ дoston ижрочилик услубининг ўзи икки турга бўлинади: бахши ва жирон ижрочилиги. Бахшиларга ижро давомида қорақалпоқ

оламўйноқ дотори, анъанавий учторли ғижжак ва бўломон жўр бўлади. Бахшининг ўзи дотор чалиб ижро этади. Қорақалпоқларда ҳам эркак, ҳам аёл бахшилар учрайди. Улар ишқий-романтик дostonларни очиқ овозда куйлайдилар. Қорақалпоқ қаҳрамонлик дostonларини эса фақат жиронлар куйлайди. Улар, бахшилардан фарқли равишда, ўзи кўбиз чалиб ички овозда куйлашади.

Шу ўринда Шеробод дostonчилик мактабига тўхталсак. Унинг асосчилари – Бобо шоир, Қосим бахши, Алим жуз боши, Шерназар Бердиназар ўғли (Шерна бахши, у 30 дан ортиқ шогирдлар етиштирган), Умир бахши Сафар ўғли, Ражаб шоир Нормурод ўғли, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Шотўра жуз боши, Юсуф Ўтаган ўғли, Холиёр бахши...

Уларнинг анъаналарини Тошмурад Туроб ўғли, Маматраим бахши, Бўри Аҳмад, Эшқобил Қўшоқ ўғли, Чорша бахши, Қодир бахши Раҳимов, Қора ва Чори бахши Умировлар, Боборайим бахши Маматмуродов, Хушбоқ бахши Мардонақулов, Шоберди бахши Болтаев, Қаҳҳор бахши Раҳимов, Абдуназар бахши Поёнов каби бетакрор истеъдод эгалари давом эттирган.

Таъкидлаш жоизки, барча бахшилар ижодида “Алпомиш” дostonи муҳим роль ўйнайди. Улар севиб ижро этиб келаётган ушбу дoston халқимизнинг қадим тасаввурларини ўзида намоён этган бебаҳо дурдона, ўзбекнинг ўзлигини англатувчи қомусий асардир. Унинг 40 дан ортиқ варианты турли хил версияларда мавжуд бўлиб, дунё дostonчилигида алоҳида мавқега эга, тарихий бадий жиҳатдан юксак эпик ижод намунаси ҳисобланади. Унинг намуналари ўзбек,



қорақалпоқ, қозоқ, олтой халқлари эпик аңғананаларида дoston шаклида, татар, бошқирд халқлари орасида эса эртак ва ривоятлар тарзида сақланиб қолган.

Алпомиш” дostonига олимларимиз ва устозларимиз томонидан кўп муружаат қилинган, турли хил вариантлари ёзиб олинган ва китоб шаклида нашр этилган. Лекин бахшилар ижро қилган айрим қисмларидан шу пайтгача парча-парча эшитиб юрардик. Бу дostonни тўлиқ ҳолда аудио-видео кўринишида ёзиб олишни мақсад қилдим. 2019 йилда “Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам” номли илк китобим нашр қилингани аҳдимни қатъийлаштирди. Фолкълоршунос устозимиз Жаббор Эшонқулов, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар бахши Поёнов маслаҳатларига таяниб, тўлиқ ҳолда (аудио-видео варианты, 15 соат 27 қисмдан иборат) 18 нафар Шеробод дostonчилиқ мактабининг вакиллари ижросида икки йил мобайнида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг қишлоқ ва овулларини кезиб, ёзиб олишга муваффақ бўлдим. Бу тўпламни яқинда Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган “II Халқаро бахшичилик санъати фестивали” доирасида халқимизга туҳфа этишни режалаштирганмиз.

– “Алпомиш” дostonи ўзбек халқининг маънавий меросидир. Бу дoston халқ оғзаки ижоди орқали асрлардан асрларга ўтиб, яшаб келмоқда. Унинг 40 дан ортиқ варианты бор бўлса-да, 10 га яқин варианты китоб шаклида нашр этилган. Аммо дostonнинг тўлиқ ижроси ёзиб олинмаган ва оммага тақдим этилмаган, тўлиқ эшитиш орзу эди, – деди бу

борада Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов билан суҳбатлашганимизда. – Фолкълоршунос олимлар дoston бахшининг ижроси бўлмаса, ўлик матн ҳисобланади, дерди. Дostonнинг тўлиқ ҳолда ёзиб олиниши барчамиз учун қувончли ҳодиса, деб ҳисоблайман.

Албатта, бахшиларнинг ўзига хос овоз оҳанги бор. Уни бошқа жанрларга ўзгартириб бўлмайди. Устозларимизнинг аңғанасини бузмай айтиш керак. Устоз-шогирдлиқ аңғанаси минг йиллардан бери давом этиб, бизгача етиб келган. Айни пайтда набирам Абдурахмон бахши Абдуназаров бахшичилик аңғаналаримизни давом эттириб, турли фестиваль, танловларда муваффақиятли иштирок этиб келяпти. Жорий йилнинг 7-10-июнь кунлари Қорақолпоғистон Республикасида бўлиб ўтган «Бўзатов иқтидорларни кашф этади!» шиори остидаги «Республика ёшлар овози» фестивалида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади, дея ўз қувончини билдирди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда бахшичилик санъатига катта эътибор қаратиляпти. Республика Бахшичилик санъати маркази, Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани сўзимиз исботидир. Шунингдек, Термиз шаҳрида бахшичилик, Нукус шаҳрида опера ва бахшичилик санъати мактаблари, республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида бахшичилик синфлари ва тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида бахшичилик йўналиши



бўйича кадрлар тайёрланыпти. Бу эса мазкур боқий санъатнинг янада равақ топишига ўз хиссини қўшади.

Устоздан шогирдга ўтиб келаётган бахшичилик анъаналарида ҳар бир мактабнинг ижро услуби, репертуари мавжуд ва бунга қатъий амал қилиб келинган. Унинг ўзига хослиги шундаки, бу санъатни ўзгартириб бўлмайди. Келгуси авлодга ҳам аслича етказишга масъулмиз.

Аслида бахши – бу бир кишилик театр, бир ўзи ҳам тарихчи, ҳам шоир, ҳам қўшиқчи, ҳам созанда, ҳам актёр. Тингловчининг кўз олдида бутун бир воқеани келтириб, ички оламига киргизиб, сеҳрлаб қўяди. У дoston айтишдан аввал, тингловчи аудиоториясини, одамларнинг психологиясини ўрганади. Бошида дўмбирада бир куй нағма чалади, одамларни эшитиш ҳолатига тайёрлайди, мослаштиради. Ва ўзи ҳам мослашади. Кейин дўмбираси созини ўзгартириб, терма бошлайди.

Тингловчиларга терма айтиш пайтида қайси дostonни айтай, деб мурожаат қилади. Уларнинг талабидан келиб чиқиб, дўмбираси созини бузиб, қайта созлаб, дostonни бошлайди. Бу аввалдан бахшилардан анъана бўлиб келган.

Дўмбирага келсак у бахшиларнинг сирдоши, йўлдоши. Бахшини мухлислар дўмбира сози билан кўрса, завқланиб кетади. Албатта, бахшилар шу соз билан одамларга қувонч бағишлайди, соз билан бирга танилади.

**Дўмбирам, сўйла тор билан,
қушлар учади пор билан,
Яхши инсонлар юради
элида ёруғ юз билан,
Қувониб юрсин ҳар одам
орқада ули-қиз билан,
Икки оғиз терма айтигин
қўлимда сумбул соз билан...**

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 1. O'zbekistonda baxshichilik san'atining shakllanishi.
2. 2. "Alpomish" dostoni.